

Тил тананинг амиридир



13:40 / 20.08.2019 2571

Аллоҳ таоло ер юзида яратган махлуқотлари ичида одам фарзандига тил деб аталмиш улуғ неъматни ато қилди. Инсоннинг бошқа махлуқотлардан фарқи ҳам унинг гапира олиш сифатидир. Хужжатул ислом Имом Ғаззолий роҳимаҳуллоҳ ўзларининг машҳур «Иҳёу улумид дийн» асарларининг «Тил офатлари» китобида шундай дейдилар: «Билгин! Тил – Аллоҳнинг улуғ неъматидир, ажойиб ва латиф санъатидир. Гарчи у жисман кичик бўлсада, итоти туфайли топадиган савоби ёки итотсизлиги туфайли содир этадиган гуноҳи жуда катта. Чунки, куфр ҳам, иймон ҳам фақат тил гувоҳлигида аён бўлади. Куфр ва иймон эса тоат ва исённинг бошланиш ҳудудларидир».

Кимки тилнинг жиловини бўш қўйиб юборса малъун шайтон уни миниб олади, жар ёқасига ҳайдаб, ҳалокатга судрайди. Одамлар тилларининг

маҳсули сабаб жаҳаннам қаърига юзлари билан қулайдилар.

Ҳасан Басрий айтадилар: «Тил тананинг амиридир. Агар у аъзолар устидан жиноят қилса, аъзолар ҳам жиноятга қўл уради. Агар у яхши бўлса, аъзолар ҳам яхши бўлади».

Иймон шундай салтанатки, агар уни ҳимоя қилиш чоралари кўрилмаса, душманлар уни яксон этишлари хавфи бор. Мўмин киши иймонини ширк, куфр каби хатарли душманлардан сақлаши вожибдир. Шунинг учун иймоннинг сиҳҳатига васийла бўладиган илм ва солиҳ амалларни лозим тутиш талаб этилади. Баъзилар гарчи иймон келтириб, ўзларини мусулмон санасаларда, ўзлари билиб ёки билмай куфрга олиб борадиган гап-сўзларни гапириб юборадилар.

Бугунги кунимизда юртимиз ёшлари хорижий тил ўрганишга қаттиқ бел боғлаганлар. Ваҳоланки, замон — тил ўрганишни талаб қилмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакки ҳар бир тил ўзига хос жиҳати билан бошқаларидан ажралиб туради. Худди бизнинг тилда бўлгани каби бошқа тиллар ҳам ўзида халқнинг ўтмишини акс эттиради. Тил ўрганишнинг афзалликларини уни мукамал ўзлаштирмагунигизча билолмайсиз. Хорижий тилни ўрганиш асносида ўша халқнинг турмуш тарзи, менталитети, дунёқараши билан яқиндан танишасиз.

Зайд ийн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга яҳудийларнинг ёзувини ўрганишни амр қилдилар ва Аллоҳга қасамки, мен яҳудийларнинг ёзишидан эмин эмасман», дедилар. Ярим ой ўтгандан сўнг мен ўша нарсани у зот учун таълим олдим. Мен ўрганиб бўлганимдан сўнг қачон яҳудийларга мактуб ёзадиган бўлсалар, мен ёзадиган бўлдим. Қачон улар у зотга ёзсалар, мен у зотга уларнинг ёзганини ўқиб берадиган бўлдим». *Термизий ривоят қилган.*

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шариф бошқа халқларнинг тиллари ва ёзувларини ўрганиш лозимлигига катта ва асосли далилдир. Модомики, бошқа халқлар билан бир оламда яшалар экан, улар билан алоқа қилиш эҳтиёжи бўлади. Бунинг учун эса, уларнинг тилини яхши биладиган одамлар керак бўлади. Агар ҳар бир жамиятнинг бу соҳада ўз одамлари бўлмаса, бошқаларга муҳтож бўлинади. Бошқалар эса бировга мухлис бўлиши қийин. Улар қасддан нотўғри таржималар қилиб, зарар етказиши турган гап. Шунинг

учун ҳар бир жамият бу соҳада ўз одамларини тарбиялаб олмоғи лозим.
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу нарсага алоҳида эътибор
берганлар.

Islom.uz портали